

Риёзус солиҳийн / 83 та боблар / 207-ҳадис

وَعَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثَيْنِ قَدْ رَأَيْتُ أَحَدَهُمَا، وَأَنَا أَنْتَظِرُ الْآخَرَ: حَدَّثَنَا: أَنَّ الْأَمَانَةَ تَرَكْتُ فِي جَذْرِ قُلُوبِ الرِّجَالِ، ثُمَّ تَرَلَّ الْقُرْآنُ فَعَلِمُوا مِنَ الْقُرْآنِ، وَعَلِمُوا مِنَ السُّنَّةِ، ثُمَّ حَدَّثَنَا عَنْ رَفْعِ الْأَمَانَةِ فَقَالَ: «يَنَامُ الرَّجُلُ النَّوْمَةَ فَتُقْبَضُ الْأَمَانَةُ مِنْ قَلْبِهِ، فَيَطَّلُ أَثَرَهَا مِثْلَ أَثَرِ الْمَجْلِ، كَجَمْرِ دَخَرَجْتَهُ عَلَى رَجْلِكَ فَفِطَ، فَتَرَاهُ مُنْتَبِراً وَلَيْسَ فِيهِ شَيْءٌ - ثُمَّ أَحَدَ حَصَاةً فَدَخَرَجَهُ عَلَى رِجْلِهِ - فَيُصْبِحُ النَّاسُ يَتَّبِعُونَ، فَلَا يَكَادُ أَحَدٌ يُؤَدِّي الْأَمَانَةَ حَتَّى يُقَالَ: إِنَّ فِي بَنِي فُلَانٍ رَجُلًا أَمِينًا، حَتَّى يُقَالَ لِلرَّجُلِ: مَا أَجَلَدَهُ!! مَا أَظْرَفَهُ!! مَا أَعْقَلَهُ!! وَمَا فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ مِنْ حَرْدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ. وَلَقَدْ أَتَى عَلَيَّ زَمَانٌ وَمَا أُبَالِي أَيْكُمْ بَايَعْتُ؛ لَعِنْ كَانَ مُسْلِمًا لِيُرِدَّنَهُ عَلَيَّ دِينُهُ، وَلَعِنْ كَانَ نَصْرَانِيًّا أَوْ يَهُودِيًّا لِيُرِدَّنَهُ عَلَيَّ سَاعِيهِ، وَأَمَّا الْيَوْمَ: فَمَا كُنْتُ أُبَايِعُ مِنْكُمْ إِلَّا فُلَانًا وَفُلَانًا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 6497، م 143].

قَوْلُهُ: «جَذْرُ» بِفَتْحِ الْجِيمِ وَإِسْكَانِ الدَّالِّ الْمُعْجَمَةِ، وَهُوَ أَصْلُ الشَّيْءِ، وَ«الْوَكْتُ» بِالتَّاءِ الْمُشْتَاءِ: الْأَثَرُ الْيَسِيرُ، وَ«الْمَجْلُ» بِفَتْحِ الْمِيمِ وَإِسْكَانِ الْجِيمِ، وَهُوَ تَنْقُطُ فِي الْيَدِ وَنَحْوَهَا مِنْ أَثَرِ عَمَلٍ وَغَيْرِهِ، قَوْلُهُ: «مُنْتَبِراً»: مُرْتَفِعاً، قَوْلُهُ: «سَاعِيهِ»: الْوَالِي عَلَيْهِ.

Хузайфа ибн Ямон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга (омонат ҳақида) иккита ҳадис айтиб бердилар. Бирини(нг рўёбга чиққанини) кўрдим, бошқасини кутиб юрибман. У зот бизга шундай деганлар: «Омонатдорлик (дастлаб) одамларнинг қалбининг тубига тушди. Кейин Қуръон нозил бўлиб, уни Қуръондан ҳам, Суннатдан ҳам ўрганишди». Сўнгра омонатдорликнинг

кўтарилиши ҳақида ҳам сўзлаб, шундай деганлар: «Киши бир уйқуга кетади-ю, қалбидан омонатдорлик суғуриб олинади ва озгина асари қолади. Кейин яна уйқуга кетади-ю, яна қалбидан омонатдорлик суғуриб олинади ва худди оёғингга чўғ тушириб юборганингдек, қаварган изи қолади. Пўрсилдоқ бўлиб шишганини кўрасан-у, ичида ҳеч нима бўлмайди. – Кейин майда тошни олиб, оёқларининг устига ташладилар – Одамлар олди-сотди қилишади, лекин ҳеч ким омонатни адо қилай демайди. Хатто «Бану Фалонда бир омонатдор киши бор экан», дейишади. Бир киши ҳақида «Қандай басавлат!», «Қандай кўркем!», «Қандай ақлли!» дейишади, ҳолбуки, унинг қалбида хардал уруғичалик ҳам иймон бўлмайди». Шундай замон бўлдики, қай бирингиз билан савдо-сотик қилаётганимга парво қилмас эдим. Мусулмон бўлса, уни менга (хиёнат қилишдан) диёнати қайтарарди, насроний ёки яҳудий бўлса, уни менга (хиёнат қилишдан) волийси қайтарарди. Бугун эса фалончи ва фалончилардан бошқа ҳеч ким билан савдо-сотик қилмаган бўлар эдим».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI